

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019. К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ХАМИДОВ ОРИФЖОН ЖАХОНГИРОВИЧ**

**АЧЧИҚ БОДОМ МАҒЗИДАН БИОФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР  
ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОЛЛОИД - КИМЁВИЙ  
АСОСЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хамидов Орифжон Жахонгирович**

Аччиқ бодом мағзидан биофаол кўшимчалар яратиш технологиясининг  
коллоид - кимёвий асослари..... 3

**Хамидов Орифджан Жахонгирович**

Коллоидно-химические основы разработки биологически-активных добавок  
на основе ядер горького миндаля..... 21

**Hamidov Orifjon Jahongirovich**

Colloidal-chemical basis for the development of biologically active additives based  
on bitter almond kernels..... 39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019. К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ХАМИДОВ ОРИФЖОН ЖАХОНГИРОВИЧ**

**АЧЧИҚ БОДОМ МАҒЗИДАН БИОФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР  
ЯРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОЛЛОИД - КИМЁВИЙ  
АСОСЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/К306. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ҳамда “Ziynet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тухтаев Хаким Раҳманович**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Расмий ошпонентлар:**

**Исмаилов Равшан Исроилович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Эркабаев Фуркат Ильясович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё технология институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/Т 35.01 рақамли Илмий кенгашининг «23» ноябрь 2021 йил соат «14<sup>00</sup>» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77 а -уй. (тел: (+99871) 262-56-60, факс (+99871) 262-79-90, E-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 14 рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77 а-уй. (тел: (99871) 262-56-60, факс (99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2021 йил «9» ноябрда тарқатилди.  
(2021 йил «9» ноябрь № 14 рақамли реестр баённомаси)



**Б.С. Закиров**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С. Салиханова**  
Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**Ш.С. Намозов**  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси уринбосари, т.ф.д., проф., академик

**КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)** Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда меваларнинг мағзиларини чуқур қайта ишлаб тиббиётда, ветеринарияда, косметикада, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиладиган маҳсулотлар олиш илмий асосларини яратишга ва технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу сабабли, таркибида мой, оқсил ва турли биофаол моддалар тутган аччиқ бодом мағзи ва унинг кунжарасини қайта ишлаш орқали биофаол хоссага эга бўлган моддалар тутган кукунлар, эмульсиялар ва микроэмульсиялар яратиш шу кундаги долзарб вазифалардан биридир. Бу ўринда аччиқ бодом мағзи ва кунжарасидан мой-сув тизимида моддаларнинг хоссаларини бошқариш имконини берувчи дағал дисперс системалар хосил қилиш, улар асосида халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган янги маҳсулотлар олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда дағал дисперс системалар яратиш учун уларнинг хомашё заҳираларини кенгайтириш, олиниш технологияларини яратишда янги коллоид кимёвий усулларни қўллаш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, мой ва сув тизимида биофаол моддаларни тақсимланиши, янги хоссаларга эга кукунлар олиш, мойли тизимларда самарали сирт-фаол моддалар қўллаш орқали эмульсиялар ва микроэмульсиялар дисперслигини ва барқарорлигини бошқариш, меваларнинг мағзиларини мойли экстрактларини эмульсияларга айланттириш ва уларни коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда аччиқ бодом мағзини чуқур қайта ишлаш асосида мой, мойдан эмульсиялар, мағзидан кукунлар, доривор ўсимликларни мойли экстрактларидан эмульсион маҳсулотлар олиш ва уларни қишлоқ хўжалиги ҳамда ветеринарияда қўллаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш..»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада жумладан камайиб бораётган табиий ҳолда ўсувчи ноёб доривор дарахтлардан бири аччиқ бодом данаги мағзини чуқур қайта ишлаш орқали янги маҳсулотлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аччиқ бодом тўғрисидаги дастлабки маълумотлар буюк шарқ табиби Абу Али ибн Сино илмий меъросида кенг ёритилган. Шунингдек дунё миқёсида аччиқ бодом данаги мағзидан биологик фаол моддалар, улар асосида турли дисперс системалар ва эмульсиялар олишга, коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганишга К.Shinoda, Т.Okagawa, F.Leal-Calderon, А.А.Абрамзон, А.И.Тенцова, В.А.Вайнштейн, И.Ф.Белоконь ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Мамлакатимиз олимларидан А.У. Умаров, А.К. Таджиев, К.С.Содиков, Э.А.Арипов, С.Н.Аминов, У.К.Ахмедов, Т.М.Махмудов, З.А.Назарова, Х.Р.Тухтаевлар турли мевалар мағзларидан мой, мойли экстрактлар, эмульсиялар олиш, дағал дисперс системалар ҳосил қилиш, олинган маҳсулотларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлаш, шунингдек аччиқ бодом мойи, унинг кунжараси таркибини аниқлаш, хоссаларини ўрганиш, аччиқ бодом мағзи кунжараси таркибидаги амигдалин миқдорини камайтириш бўйича илмий изланишлар олиб борган ва муҳим илмий натижалар олишган.

Мазкур олимлар томонидан турли мевалар данаги мағзларидан мой ва турли моддалар ажратиб олиш, олинган моддаларни кимёвий тузилиши, хоссалари, улардан фойдаланиш соҳаларини аниқлаш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Юқорида келтирилганлар билан бир қаторда аччиқ бодом мойи ва турли доривор ўсимликлар гули ва барглари асосида мойли экстрактлар, эмульсиялар, шунингдек аччиқ бодом мағзи асосида ҳайвонлар ва одамларнинг юқумли касалликларини кўзгатувчи каналарга қарши биофаол моддалар олиш жараёнлари ўрганилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Маҳаллий хом ашёларни қўллаб, дори воситалар, координацион бирикмалар яратиш ва яқунланган тадқиқотлар бўйича инновацион фаолият юритиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аччиқ бодом мағзидан мой, унинг кунжарасидан биофаол моддалар, аччиқ бодом мойи ва доривор ўсимликлар

барги, гули асосида мойли экстрактлар ва эмульсиялар олишнинг коллоид - кимёвий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

совуқ пресслаш усулида аччиқ бодом мойини ажратиб олиш, унинг кунжарасини таҳлил қилиш, кунжаранинг сувли ва спиртли экстракцияси маҳсулотларидан биофаол моддалар олиш, уларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

экстракция усули орқали аччиқ бодом мағзидан унинг оксилени ажратиб олиш ва унинг аминокислоталар таркибини аниқлаш;

аччиқ бодом мойи ва доривор ўсимликлар асосида мойли экстрактлар олиш технологиясини яратиш;

турли сирт фаол моддалар иштирокида аччиқ бодом мойининг эмульсия ҳосил қилишини тадқиқ қилиш, эмульсиянинг хоссаларини текшириш ва унинг сақланиш муддатларини белгилаш;

доривор ўсимликлар (мойчечак ва тирноқгул гуллари, маврак барглари) асосидаги мойли экстрактлардан эмульсиялар ҳосил қилиш технологиясини ишлаб чиқиш, эмульсияларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини тавсифлаш;

аччиқ бодом мағзи асосида инсектоакарицид воситалар (кукунлар, композициялар, эмульсиялар) олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни хайвонларнинг юқумли касалликлар чақирувчи каналарига қарши ишлатиш учун тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида аччиқ бодом данаги мағзи, мойи, кунжараси ва сувли, спиртли экстрактлари, эмульсияси, ҳамда аччиқ бодом мойи ва доривор ўсимликлар мойчечак, тирноқгул гуллари, мавракнинг барглари асосида олинган мойли экстрактлар ва уларнинг эмульсиялари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни аччиқ бодом мойи асосида мойли экстрактлар олиш ва мойли экстрактларни эмульсияга айлантириш усуллари, аччиқ бодом мойи асосида олинган мойли экстрактлар, эмульсиялар хоссаларини тадқиқ этиш, дағал дисперс системалар ҳосил қилиш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда кимёвий, физик-кимёвий (масс-спектрометрия, газ-хромато-массспектрометрия, суюқлик хроматография, рефрактометрия, турбидиметрия) ва коллоид-кимёвий (калориометрик, кондуктометрик) усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

аччиқ бодом мағзи кунжарасини чуқур қайта ишлаш асосида сувли, спиртли экстрактлар, оксили ажратиб олинган ва бу биофаол моддаларни инсектоакарицидлар сифатида қўллаш мумкинлиги асосланган;

турли сирт фаол моддаларни танлаш орқали аччиқ бодом мойининг барқарор эмульсияларини олишнинг технологияси ва асосий коллоид кимёвий принциплари ишлаб чиқилган;

аччиқ бодомнинг спиртли экстракти асосида тайёрланган инсектоакарицид концентратини эмульсияга айлантириш жараёнида қўшилган сувнинг миқдорига боғлиқ равишда фазалар алмашиниши аниқланган;

аччиқ бодом мойи асосида доривор ўсимликларнинг (мойчечак гуллари, маврак барглари, тирноқгул гуллари) мойли экстрактларини олиш ва уларга турли сирт фаол моддалар қўшиш йўли билан эмульсияларга айлантириш шароитлари аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:**

аччиқ бодом мағзини совуқ преслаш усули билан аччиқ бодом мойи, унинг мойли экстракти ва улардан барқарор эмульсиялар олиш усули ишлаб чиқилган;

аччиқ бодом кунжарасини қайта ишлаш орқали унинг сувли, спиртли экстракти ва улардан ветеринария амалиётида қўллаш учун инсектоакарицидлар олиш усуллари ишлаб чиқилган;

аччиқ бодом мағзи асосида мураккаб таркибли дисперс инсектоакарицид таркиби яратилган ва бу таркиб ҳайвонларда юқумли касалликларни тарқатадиган каналарга қарши тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда олинган натижалар статистик таҳлил усуллари ёрдамида текширилган, шунингдек физик-кимёвий, технологик, коллоид-кимёвий текшириш усуллари билан тасдиқланган. Олинган махсулотлар дала шароити тажрибаларида синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аччиқ бодом данаги мағзидан совуқ преслаш усулида мой ажратиш олиш, ажратиш олинган мой ва доривор ўсимликлар гули ва барги асосида мойли экстракт, кунжарасидан биофаол моддалар ажратиш олиш жараёнлари ва улар асосида эмульсиялар ва микроэмульсиялар ҳосил қилиш жараёнларини системалаштирилган, кимёвий, физик-кимёвий, коллоид-кимёвий ва технологик тадқиқотларини ўтказиш ва асосий қонуниятларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аччиқ бодом данаги мағзи ва унинг кунжараси асосида юқумли касалликлар чақирувчи каналарга қарши инсектоакарицид композициялар, концентранган эмульсиялар олиш технологияси ва мақбул технологик меъёрлари йирик фермер хўжаликлари ва кластерларда жорий қилишга хизмат қилади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Аччиқ бодом мағзидан биофаол моддалар олиш технологиясининг коллоид-кимёвий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инсектоакарицид воситасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти олинган (№ IAP 06350). Натижада, аччиқ бодом данаги мағзи асосида инсектоакарицид воситасини олиш имконини берган;

инсектоакарицид таркибга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали моделга патент олинган (№ FAP 01611). Натижада, аччиқ бодом данаги мағзи асосида инсектоакарицид таркиб олиш имконини берган;

аччиқ бодом мағзи асосида олинган инсектоакарицид Сурхондарё вилоятининг Денов туманида фермер хўжаликларида қора мол ва майда шохли хайвонларни дезинфекциялашда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 19 апрелдаги 02/23-75-сон маълумотномаси). Натижада, қора мол ва майда шохли хайвонларнинг кана билан зарарланиши 85% камайишини имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси<sup>2</sup>.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 4 та Республика ва 1 хорижий журналларда нашр этилган. Илмий тадқиқотлар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 2 та патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларни ўз ичига олади. Диссертация иши 117 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги, унинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва мавзуси тавсифланган, тадқиқотнинг республикада фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мевали дарахтларнинг мағзиларини чуқур қайта ишлаш орқали маҳсулотлар олишнинг коллоид кимёвий асослари”** деб номланган биринчи бобида гилос, олхўри, бодом, жожоба, зайтун, шафтоли, узум, аччиқ бодом ва аччиқ ўрик меваларини қайта ишлаш маҳсулотлари тўғрисида маълумотлар берилган. Аччиқ бодом (АБ) мойларини тавсифи берилиб эмульсиялар олишга керак бўладиган сирт фаол моддалар (СФМ) тавсифи ва уларнинг хоссалари ёритилган. Ўсимликлар мойлари ва

---

<sup>2</sup> Қилинган ишнинг натижаларини муҳокама қилишда қатнашган ва маслаҳат берганлари учун профессор У.К.Ахмедовга миннатдорчилик билдираман.

экстрактларининг эмульсияларга айлантириш имкониятлари ўрганилган. Адабиётлар таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Аччиқ бодом мойи ва мағзидан сувли ҳамда спиртли экстрактлар олиш, уларнинг тузилишини физик-кимёвий усуллар билан тадқиқ этиш**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган кимёвий бирикмалар, хом ашёлар, уларнинг олиниши ва тозалаш ҳамда ўтказилган тадқиқотларнинг услублари берилган. Тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Ғазалкент туманида 2017 йилда етиштирилган АБ уруғларидан фойдаланилган. Бунда АБ нинг “Бодомча” ва “Бухоро” навларидан аралаш ҳолатида ишлатилган. Мойи олинмаган АБ кукуни таркибида 1,02 % амигдалин борлиги аниқланди. АБ кунжарасидан оксили ажратиб олинди ва таҳлил қилинди.

Иссиқ пресслаш усулида олинган натижаларга кўра АБ мағзида мойнинг миқдори  $46,24 \pm 0,2$  % ни, совуқ пресслаш усулида мойнинг миқдори  $39,86 \pm 0,2$  % ни ташкил этган. АБ мойини ёғ кислоталар таркиби, элемент таҳлили амалга оширилди ва асосий физико-кимёвий катталиклари аниқланиб стандартланди.

АБ мойи асосида доривор ўсимликлар - мойчечак ва тирноқгул гуллари, маврак барглари асосида мойли экстрактлар олинди. Уларнинг таркибидаги ёғ кислоталарининг миқдори, элемент тақриби ва асосий физик-кимёвий кўрсаткичлари аниқланди. Мойли экстрактлар эмульсиялар олиш учун хом ашё сифатида фойдаланилди.

Диссертациянинг “**Аччиқ бодом мағзи маҳсулотларидан дисперс системалар яратиш**” деб номланган учунчи бобида АБ таркибидаги, ёғни ажратиб олингандан сўнг, аччиқ бодом кукуни олинди. Кукун-паст ҳидли оқ масса. АБ кукунининг ўртача заррача ўлчами  $1,23 \pm 0,05$  мм эканлиги аниқланди. Сувда эритилганда кукун АБнинг ўзига хос ҳиди бўлган суспензияга айланди. АБ ёғини олиш учун уни меваси пўстини ажратмасдан ҳам олиш мумкин. Бу масса қуритилса, сариқ кукун ҳосил бўлади. АБ кукунининг баъзи технологик хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

АБ мағзидан ёғ ажратилгандан сўнг олинган кукунни қуритишда вазн йўқотиш  $6,5 \pm 0,25$  % ни ташкил қилди. Экстрактив моддаларни сув ёрдамида ажратиб олишда аччиқ бодом кукуни : сув = 1:10 нисбатида унум  $13,2 \pm 0,35$  % ни ташкил қилди. Экстракт сифатида этанолдан фойдаланганда экстракт ва кукун нисбати 1:10 тенг бўлганда унум  $10,5 \pm 0,25$  % ни ташкил қилди. Қобиқ билан АБ кукуни учун бу маълумотлар бироз юқорироқ. Сувли экстракт АБ кукуни 1:10 нисбатда тозаланган сув билан 30-40 дақиқа давомида экстракция қилинган ва 24 соат мобайнида мацерация қилинган. Сувли экстракт оқиш-оч сариқ рангли, ўзига хос ҳидли қаттиқ модда. Сувда коллоид эритма ҳосил қилди.

АБ кукуни сувли экстракти асосида олинган кукун таркибидаги амигдалин миқдори ЮССХ–МС маълумотларига кўра ушланиш вақти 9,3 дақиқада  $0,0029$  % ни ташкил этиши маълум бўлди. АБ сувли экстракти 1 %

ли эритма ҳолатида инсектокарицид хоссага эга. Бу эритма ўзига хос хидли дисперс фаза (ДФ) заррачаларининг ўртача ўлчами турбидиметрик усулда аниқланганда 65,66 нм га тенглиги аниқланди.

### 1-жадвал.

#### Аччиқ бодом кукунининг технологик хоссалари

Дастлабки намуналар	Заррачалар ўлчами, мм	Қуритишда вазн йўқотиш, %	Экстрактив ҳосил моддалар, %		Амигдалин миқдори, %
			этанолда	сувда	
Мағиз қобиқсиз	1,23±0,05	6,5±0,25	10,5±0,25	13,2±0,35	3,24
Мағиз қобиқли	1,27±0,04	6,3±0,25	10,7±0,25	13,7±0,32	3,21


Спиртли экстракт АБ кукунидан 1:10 нисбатда 90 % ли спирт билан 70-80°C ҳароратда 30-40 минут давомида экстракция қилинди. Сўнгра қолдиқ спиртда 24 соат давомида хона шароитида ушлаб турилди ва филтрлаш орқали қолдиқдан ажратилди. Экстракциянинг унуми 10,5±0,25 % Спиртли экстракт оқиш оч жигар рангли қаттиқ модда. Сувда эрийди. Сувдаги эритмадан АБ ҳиди келади. Бундай спиртли экстрактнинг ЮССХ–МС да ушланиш вақти 8,8 дақиқа бўлиб, бунда 0,27 г массада амигдалин миқдори 27,86 % ни ташкил этади.

Спиртли экстрактнинг эритмаси оқиш-коллоид кўринишга эга. Эритманинг ДФ заррачаларини турбидиметрик усулда аниқланганда ўлчами ўртача 55,33 нмга тенг. Эритманинг электр ўтказувчанлиги 267 Ом<sup>-1</sup>\* см<sup>-1</sup>. 20°C эритманинг нисбий қовушоқлиги 0,016 га га қийматга эга. Потенциометрик усулда аниқланган эритманинг рН қиймати 5,128. Эритма зичлиги 0,987 г/см<sup>3</sup> га тенг.

Аччиқ бодом мағзининг кукуни асосида комплекс таркибли курук экстракт - бу инсектоакарицид аралашма бўлиб унинг таркибида бентонит, хўжалик совуни, ош пиёз ва саримсоқ пиёз, аччиқ шувокнинг спиртли экстрактлари ҳамда АБ мағзининг кукуни бор. Кўриниши сарғиш-кул ранг барқарор кукун ҳолатида, ўзига хос хидли, осон эритмада коллоид гель ҳосил қилади. Гель заррачаларининг ўлчами турбидиметр ёрдамида ўлчанди. Мураккаб таркибли инсектоакарицид бентонит ҳисобга суспензион гель бўлиб, ўртача гидрофиль коллоид заррачалари ўлчами 74,8 нм ни ташкил этади. 20°C даги 1 % ли эритманинг қовушоқлиги 0,024. Эритманинг электр ўтказувчанлиги 1240 Ом<sup>-1</sup>\* см<sup>-1</sup>. Эритманинг потенциометрик усулда аниқланган рН қиймати 5,764 ни ташкил этади. Зичлиги эса 0,980 г/см<sup>3</sup> га тенг.

Текширилган инсектоакарицид моддаларда инсектоакарицид таъсирни асосий таъсир этувчи модда юзага келтиради. Бу бирикмалардаги асосий таъсир этувчи модда амигдалиндир. Амигдалин органик бирикма бўлиб, бодом кислотаси нитрил генцибиозиди, эмпирик формуласи C<sub>20</sub>H<sub>27</sub>NO<sub>11</sub>.

Кимёвий номи [(6-о-β-глюкопиранозил-β-D-глюкопиранозил) окси](фенил) ацетонитрил. Унинг суёқланиш харорати 209-213°C бўлиб, аччиқ ўрик, олхўри, аччиқ бодом, олча, олма данаклари мағзида учрайди. Уларнинг ичида амигдалин энг кўп мағзи аччиқ бодом ҳисобланади. Амигдалин диглюкозид ҳисобланиб, унинг таркибида цианид гуруҳи борлиги учун гидролизга учрайди:



Гидролиз айниқса эмульсин ферменти иштирокида тезлашади. Гидролиз натижасида бензальдегид ва цианид кислотаси ҳосил бўлади. Амигдалин диглюкозид бўлиб, унинг таркибида цианид группаси борлиги учун гидролизга учрайди. Гидролиз реакцияси эмульсин ферменти иштирокида тезлашади. Гидролиз туфайли бензальдегид ва цианид кислотаси ҳосил бўлади. Бунда ҳосил бўладиган бензальдегид ва цианид кислотаси ўзига хос аччиқ бодом ҳидини беради. АБ асосидаги инсектакарицид моддаларининг таъсир қилиш механизми ҳам бензальдегиди ва цианид кислотасининг ҳосил бўлишига боғланган.

АБ мойидан эмульсия олиш учун аччиқ бодом мойи 2 г ва СФМнинг турли концентрацияли эритмасидан 2 г олинди. Бунинг учун АБ мойига аралаштирган ҳолатда сувда эритилган СФМнинг турли концентрацияли эритмалари томчилаб қўшилди ва эмульсия тайёрланди (I турдаги эмульсия). СФМ нинг концентрацияси 0,25 % дан 6 % га бўлган эритмалари ичида ноионоген ва катионактив сирт-фаол моддалар АБ мойининг эмульсияси барқарор эмаслиги аниқланди. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Натижаларга кура 6 % ли твин-80 эритмаси иштирокида олинган эмульсиялар барқарорлиги бир дақиқадан ошмади. Катион-актив СФМ цетилпиридиний хлорид иштирокида 0,25 % дан 6 % гача эритмага АБ мойи қўшилганда, унинг барқарорлиги 2 дақиқа эканлиги аниқланди. Самарали СФМ сифатида дистилланган ёғ кислотларининг натрийли тузи (ДЁК-Na) тузини эмульсиялар таркибига киритилиши, эмульсияларнинг барқарор бўлишига олиб келди. Агар ёғ кислоталарининг % миқдори 0,25 % дан 2 % гача ортганда, эмульсияларнинг барқарорлиги 9 дақиқага етди. Эмульгатор миқдори 3 % дан 5 % гача ортганда, эмульсиянинг барқарорлиги 120 соатга етиши маълум бўлди. Эмульгаторнинг миқдори 6 % дан ортганда эмульсияларнинг барқарорлашиши (кузатиш вақти 180 соат) кузатилди.

3-жадвалда АБ эмульсиясининг баъзи сифат кўрсаткичлари келтирилган. Натижаларга кўра эмульсиялар кўриниши бир жинсли. 1500 айланиш / дақиқада центрифугада ажратилганда таркибида 4 % ДЁК-Na тузи ишлатилганда эмульсияларнинг центрифугада ажралиши 5 дақиқани ташкил этса, эмульгатор концентрацияси 5 % ни ташкил этганда, эмульсияларнинг барқарорлиги 30 дақиқани, 6 % ли концентрацияда эса 60 дақиқани ташкил этди. Эмульсияни таркибида СФМ 4 % бўлганида 50°C гача қиздиришда

унинг қаватларга ажралиши 4 дақиқада содир бўлади. СФМ концентрацияси 5 % га етганида қаватланиш 8 дақиқада, СФМ концентрацияси 6 % бўлганида эса 12 дақиқада қаватланиш кузатилади.

2-жадвал.

Эмульгатор тури ва концентрациясининг АБ эмульсиялари барқарорлигига таъсири (ҳарорат 25°C, магнитли аралаштиргич билан эмульсия олинган)

СФМнинг тури	Эмульгаторнинг концентрацияси, %							
	0,25	0,5	1	2	3	4	5	6
	Эмульсияларнинг барқарорлиги, дақиқа				Эмульсияларнинг барқарорлиги, соатларда			
ДЁК-На	1,5	2,5	4,7	14	16	1,35	120	180
Твин- 80	0,35	0,42	0,49	0,72	0,76	0,15	0,17	0,23
Цетилпиридин ий хлорид	0,22	0,33	0,42	0,68	0,82	0,017	0,019	0,024

3-жадвал.

### АБ эмульсияларининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш

Эмульсия таркибидаги ДЁК-На тузи, % ларда	Эмульсияларнинг бир жинслилиги	Центрифугада ажралиш вақти*, мин	Иссиққа чидамлилиқ**50°C қаватланишнинг бошланиш, дақ
4	Бир жинсли	5	4
5	Бир жинсли	30	8
6	Бир жинсли	60	12

\*1500 айланиш/дақ; \*\* 8 соат мобайнида эмульсиянинг умумий ҳажми 25 % дан ошмади.

АБ мойида анион актив тавсифга эга бўлган уч хил эмульгатор иштирокида олинган эмульсияларнинг барқарорлигини ўрганилди (4-жадвал). Бунинг учун натрий Na-ЭЛС, ДЁК-На тузи ва Na-СКдан фойдаландик. Эмульсияларнинг заррачаларини ўлчами ва эмульсияларнинг барқарорлиги энг асосий кўрсаткич сифатида олинди. Эмульсиялардаги ДФ заррачаларининг ўлчами турдиметр ёрдамида аниқлаб борилди.

Натижаларга кўра энг самарали эмульгатор сифатида ДЁК-На тузини олиш мумкин. Эмульсия тайёрлаш учун олинган аралашмада мойнинг миқдори 0,25 масса қисмдан 4 масса қисмга ўзгарганда Na-ЭЛС да заррачалар ўлчами 121 нм дан 38 нм гача камайди. Худди шундай қонуният Na-СК ва ДЁК-На тузида ҳам кузатилиб, заррачалар ўлчами СФМ миқдори доимий қолиб, АБ мойи ортганда заррачалар ўлчами 66 ва 28 нм дан 67,0 ва 34,0 нм гача камайд.

Барча олинган натижаларда бир хил мой ва сув нисбатида ҳамма ҳолатларда ҳам СФМ нинг концентрацияси ортганда заррачалар ўлчами бир хил қонуният асосида камайиши кузатилди. Масалан, СФМ эритмаси ва мой

1:1 нисбатда олинганда 6 % ли Na-СК ва ДЁК-Na асосида олинган эмульсияларнинг ДФ заррачалари ўлчами 52,0 дан 33,0 нм га ва 52,0 дан 31,0 нм гача камайган. Олинган натижалар мойда ва сувда эрийдиган дори моддаларининг эмульсион дори шакллари тайёрлашда амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

#### 4-жадвал.

### Сирт-фаол модданинг табиати ва АБ мойининг микдорини ортиши ДФ заррачаларининг ўлчамига таъсири (эмульсия 25°C, да механик диспергирлаш усули билан олинди)

СФМ, %	СФМ тури	СФМ ва аччиқ бодом мойи нисбати						
		1: 0,25	1: 0,5	1: 1	1: 1,5	1: 2	1: 3	1: 4
		ДФ заррачаларининг ўлчами, <i>r</i> нм						
2,0	Na-ЭЛС	121	99	91	86	83	81	77
	Na-СК	66	55	52	51	51	51	51
	ДЁК-Na	67	53	52	52	53	53	53
4,0	Na-ЭЛС	94	77	69	73	60	48	46
	Na-СК	50	41	38	33	31	35	37
	ДЁК-Na	51	41	39	41	38	38	39
6,0	Na-ЭЛС	78	66	59	53	49	41	38
	Na-СК	43	35	33	31	29	29	31
	ДЁК-Na	42	35	31	35	33	33	34

Эмульсияларни рН қиймати 7,0-8,0 оралиғида. Заррачалар ўлчами МБИ-6 микроскопида ўлчанганда СФМ концентрациясига боғлиқлиги кўринди. Агар СФМ концентрацияси 4 % гача бўлганида мой томчилари микроскопда аниқ кўринса, концентрация (катталаштириш 120 марта) 6 % га етганида заррачалар ўлчами кичрайиб, ДФ заррачалари ўлчамини аниқлаш қийинлашди (3-расм). Бу ҳолат эмульсиядаги ДФ заррачаларининг ўлчами 50 нм дан кам эканлигидан далолат беради. Эмульсияларнинг барқарорлиги 8 % СФМлар иштирокида юқорилиги кузатилди (5-жадвал).

#### 5- жадвал.

### Анион СФМлар иштирокида олинган аччиқ бодом эмульсияларининг ДФ заррачаларининг ўлчами (турбидиметрик усулда аниқланган)

СФМ, %	СФМ тури	СФМ ва АБ мойи нисбати						
		1: 0,25	1: 0,5	1: 1	1: 1,5	1: 2	1: 3	1: 4
		Дисперс системанинг фаза заррачаларининг ўлчами, <i>r</i> нм						
8	Na-ЭЛС	71	60	53	49	44	37	35
	Na-СК	39	32	30	27	26	27	28
	ДЁК-Na	38	32	27	33	30	30	31

АБ мойи асосида олинган эмульсияларининг сақланиш мобайнида ДФ заррачаларининг ўзгариши 6-жадвалда келтирилган. Бир ой сақланганида ҳам

Na-СК, ДЁК-Na тузи иштирокида олинган эмульсияларнинг ДФ заррачаларининг ўлчами турбидметрик усулда ўлчанганида 4,0-10,0 % концентрациялар орасида заррачалар ўлчами қониқарли қийматга эга. СФМнинг 4 % ли эритмаси асосида олинган эмульсияда эса иккинчи кунда эмульсияларнинг бузилиши бир жинслилик йўқолиб икки қаватга фазаларнинг ажралиши содир бўлган.

**6-жадвал.**

**Аччиқ бодом мойи эмульсияларининг сифат кўрсаткичларининг вақт мобайнида ўзгариши (1, 15 ва 30 кундан сўнг)**

СФМ %	СФМ:АБМ 1 : 2	Дисперс системанинг лойқаланиши (NTU)			Дисперс фаза заррачалари ўлчами, нм			Ажралиш вақти центрифугада 1500 айл/дақиқа			50°C ҳароратга чидамлик, мин		
		кунларда											
		1	15	30	1	15	30	1	15	30	1	15	30
4	Na-СК	32	-	-	31	-	-	15	-	-	10	-	-
	ДЁК-Na	57	-	-	38	-	-	15	-	-	8	-	-
6	Na-СК	36	44	-	29	31	-	60	30	-	15	14	-
	ДЁК-Na	55	56	57	33	33	34	60	30	30	12	12	12
8	Na-СК	34	39	42	25	27	28	60	30	30	30	30	25
	ДЁК-Na	48	49	50	28	29	29	60	30	30	25	20	20
10	Na-СК	38	38	39	25	25	25	60	60	60	35	30	30
	ДЁК-Na	39	39	40	25	25	25	60	60	60	35	30	30

Бир кун сақлангандан сўнг эмульсияларнинг центрифугада 1500 айланиш дақиқада текширилганда 15 дақиқада ажралган. 50°C ҳароратда 4 % ли СФМлар иштирокида олинган эмульсиялар 8-10 минутда бузилиши кузатилган. СФМ сифатида Na-СК ва ДЁК-Na тузиларини 6 % ли эритмаларида эса эмульсиялар барқарорлиги 15 кунгача сақланиб қолган.

Центрифугада 1500 айл/мин да эмульсиянинг қаватланиши 60 дақиқадан 30 дақиқагача камайган. Na-СК учун 50°C ҳароратга чидаш вақти бир кунда 30 дақиқадан 25 дақиқагача камайган. ДЁК-Na тузлари иштирокида олинган эмульсияларда 50°C ҳароратга чидамлик 25 дақиқадан 20 дақиқагача камайган.

Эмульсияларнинг муҳим тавсифларидан бири сифатида электрокинетик потенциални олиш мумкин. Микроэлектрофоретик усулда аччиқ бодом мойи эмульсияларининг электрокинетик потенциалини қийматлари аниқланди. Бунда самарали СФМ лардан Na-СК, Na-ЭЛС ва ДЁК-Na олинди. Натижаларни кўрсатишича Na-СК 6 % ли эритмаси учун дзетта потенциал қиймати  $45,3 \pm 3,0$  мВ эканлиги, Na-ЭЛС учун  $39,7 \pm 4,0$  мВ ва ДЁК-Na тузи асосида тайёрланган эмульсияда  $51,2 \pm 5,0$  мВ лиги маълум бўлди. Олинган натижалар юқорида қайд этилган ҳолатларга мос келиб ДЁК-Na тузи асосида тайёрланган эмульсиянинг барқарорлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкинлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, АБ мойида эмульсияларнинг хоссаларини текшириш 1 % дан 10 % гача анион СФМларнинг самараси юқорилигини кўрсатди. Анион СФМлардан ДЁК-На тузи иштирокида эмульсиялар барқарор ва 30 кундан кейин системанинг ДФ заррачаларининг ўлчами 25 нм да сақланиб қолган. Анион СФМларда юқори концентрациядаги эмульсияларнинг барқарорлигига сабаб, анион заррачаларнинг концентрациясини ортиши ва бир хил зарядланган заррачаларнинг бир-биридан узоқлашиши сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқариш 5-10 % ли эмульсиялар структураланган ДДС айланади.

Икки хил СФМлар иштирокида эмульсия олиш учун Т-2 эмульгатори ҳарорат таъсирида суюқлантириб, унга АБ нинг спиртли экстракти ва ДЁК На тузи қўшилди ҳамда совутилди. Сўнгра олинган масса кунгабоқар мойида диспергирланди. Концентрланган эмульсия сув қўшилмаганда 2 йил сақланиши мумкин. Олинган концентрланган эмульсияларни сувда эритиб, улардан эмульсиялар тайёрланди ва уларнинг хоссалари ўрганилди.

**7-жадвал.**

**Аччиқ бодом спиртли экстракти асосида олинган концентрланган эмульсиянинг суюлтиришдаги ДФ заррачалар ўлчамининг ўзгариши**

Эмульгатор	Дисперс системанинг фаза заррачаларининг ўлчами, <i>r</i> нм						
	36	39	43	48	52	56	69
Эмульсион концентрат*	36	39	43	48	52	56	69
Қўшилган тозаланган сув микдори	1	10	20	30	40	50	100
Эмульсия тури	с/м	с/м	м/с	м/с	м/с	м/с	м/с

АБ спиртли экстракти: Т-2; ДЁК-На тузи; кунгабоқар мойи 1:1:0,1:10 нисбатда текширишларнинг кўрсатишича метилен кўки бўёғида эришига кўра концентрланган эмульсия тури II тур эмульсияларга (С/М) киради. Агар концентрланган 10 мл эмульсияга 1 мл ва 10 мл сув қўшилса, эмульсия тури ўзгармайди, С/М эмульсия тури сақланади ( 7-жадвал).





а)



б)

1-расм. АБ спиртли экстрактдан олинган Т-2 ва ДЁК-На тузи иштирокида олинган эмульсиянинг кўриниши (С/М). ДФ заррачалари метилен кўки билан бўялган (концентрланган эмульсиянинг 10 мл га 1мл (а) ва 10 мл га 10 мл (б) сув қўшилган).



2-расм. Концентрланган эмульсиянинг 10 мл миқдорига 20 мл (а) ва 30 мл сув (б) қўшилгандаги кўриниши. Эмульсия тури М/С (метилен кўки буёғи).

Бундай турдаги эмульсияда мой заррачалари кўк рангга буялган (бўёк метилен кўки) дисперс муҳит эса оқ рангда кўринади (1-расм).

10 мл концентрланган эмульсияга 20 мл сув қўшилганда (1-расм) эмульсия тури ўзгариб, М/С эмульсияси ҳосил бўлади. Бундай эмульсия тури 10 мл концентрланган эмульсияга 100 мл сув қўшилгунича давом этади. Суюлтириш билан эмульсия тўғри эмульсияга айланади. Эмульсиядаги ДСнинг заррачаларининг ўлчами 36 нм дан 69 нм гача ортанлигини 7-жадвалдан кўриш мумкин. Сув қўшилгандан кейин эмульсиялар ташқи кўриниш оқ рангли, ўзига хос АБ ҳидига эга. Бўялган ДФ заррачалари кўриниши (М/С) 2-расмда келтирилган.

Эмульсиялар олиш жараёнида АБ мойидан бошқа мойларнинг эмульсия ҳосил қилиш мумкинлиги тадқиқ қилинди. Бундай мойлар сифатида кунгабоқар, зайтун ва кунжут мойлари олиниб улардан ҳам эмульсиялар тайёрланди. Олинган натижалардан ўсимлик мойлари асосида эмульсион ДСлар яратишда фойдаланилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти умумий паразитология лабораторияси мудир, б.ф.д., профессор Ф.Д. Акрамова ва б.ф.ф.д., к.и.х. А.У. Мирзаеваларнинг тадқиқотлари давомида концентрланган эмульсиялардан тайёрланган препаратлар кичик ва катта қора моллар каналарига (*Rhipicephalus turanicus*) қарши ишлатилганга бу мақсадда кенг кўламда фойдаланиладиган циперметринга нисбатан фаоллиги юқори бўлди.

Диссертациянинг ”Доривор ўсимликларнинг мойли экстрактларини эмульсияларга айлантириш” деб номланган тўртинчи бобида эмульсиялар тайёрлаш учун мой ўрнида таркибида доривор ўсимликлар (мойчечак ва тирноқгул гуллари, маврак барглари) тутган мойли экстрактлар олинди. Доривор мойчечакнинг мойли экстрактлари асосида эмульсиялар олиш учун 2 г миқдорига мойли экстрактга доимий ва кучли аралаштирган ҳолатда СФМнинг турли концентрациялардаги эритмаси қўшилди. Натижада оқ барқарор эмульсиялар ҳосил бўлиши кузатилди. Метилен кўки буёғида эришига кўра эмульсиялар I турга тегишли (М/С). Тажрибаларда катион СФМ цетилпиридиний хлорид, анион СФМ лардан ДЁК-На тузи ва

ноиноген СФМ сифатида твин-80 олинди (8-жадвал). Қизиғи шудаки, тажрибаларда катион ва ноиноген СФМлар 1,0 дан 6 % гача бўлган концентрацияларда эмульсиялар олишда фаоллик кўрсатмади. Натижаларга кўра твин-80 иштирокида 1 % ли эритма олинса, эмульсиянинг барқарорлиги 1,2 дақиқани ташкил этди. СФМ нинг концентрацияси 6 % га етганда барқарорлик 10,2 дақиқани ташкил этди. Катион СФМлардан цетил пиридиний иштирокида эмульсия жуда беқарор ва 6% ли эритмада эмульсиянинг барқарорлиги 3,6 дақиқани ташкил этди .

Самарали СФМ сифатида мойли экстрактларни эмульсияга айлантиришда ДЁК-На тузи олиш мумкин. Бу СФМнинг 1 % ли эритмасида эмульсия бор йўғи 4 дақиқа барқарор. 3 % ли эритмада барқарорлик 21 дақиқани ни ташкил этган. Агар СФМни концентрацияси 4 % ни ташкил этса 88 дақиқа ичида эмульсия барқарор. Агар эмульгатор концентрацияси 5 % ни ташкил этса эмульсия 136 соат барқарор. Агар СФМ нинг концентрацияси 6 % га етса эмульсиянинг барқарорлиги 224 соатни ташкил этди.

Потенциометрик усулда аниқланган эмульсиянинг сувли экстракти рН қиймати 7,0-8,0 орасида. Микроскопик кузатувлар эмульсиянинг заррачалари ўлчамини концентрациянинг 4 % дан 6 % гача ўзгаришида заррачалар ўлчами кичрайишини кўрсатди. Ташқи кўриниши буйича эмульсиялар бир жинсли, СФМнинг концентрацияси 6 % дан ортса эмульсия ўзининг оқувчанлигини йўқотади. Центрифугалашга нисбатан эмульсиянинг барқарорлигини текшириш мақсадида 30 мин давомида 1500 айлан/дақиқада 4 ва 5 % ли СФМ тутган эмульсияларда қаватланишни кузатдик. 6 % ли эритмада бўлса 45 дақиқа давомида эмульсиянинг қаватланиши амалга ошди. Лекин барча текширилган эмульсиялар учун эмульсиянинг ажралган ҳажми 15 % дан ортмаслиги аниқланди.

Натижаларга кўра барча анион табиатли эмульгаторлар эмульсияларнинг барқарорлигига ижобий таъсир этади. Эмульгатор сифатида ДЁК-На тузи, Na-СК, Na-ЭЛС ишлатилди. Эмульсияларнинг энг асосий кўрсаткичлари қилиб ДФ заррачаларининг ўлчами ва эмульсиянинг сақланиши олинди. Na-ЭЛС иштирокида тайёрланган 6 % ли эмульсияда АБ мойи ва СФМ эритмаси 1:1 нисбатда олинганда ДФ заррачаларининг ўлчами 118 нм ни ташкил этади ва эмульсияда мой миқдорининг ортиши билан 70,5 нм га камаяди.

Na-СК нинг 6 % ли эритмасидан олинган эмульсиянинг ДФ заррачаларининг ўлчами 56,1 нм ни ташкил этиб мойнинг миқдори ортиши билан ДФ заррачаларининг ўлчами 49,3 нм гача камайиши кузатилган. Энг самарали эмульгатор сифатида ДЁК-На тузини олиш мумкин. Чунки бу ҳолатда ДФ заррачаларининг ўлчами 50,4 нм ни ташкил этиб, мойли компонентнинг миқдори ортиши билан мой томчиларининг ўлчами 48,7 нм гача камайган.

Тирноқгул гуллари ва маврак баргларидан олинган АБнинг мойли экстрактлари ҳам эмульсияларга айлантрилиб тўла тадқиқ қилинди. Эмульсиялар олиш жараёнига СФМ табиати ва концентрацияси, мойли

экстракт миқдори таъсири ўрганилди ва эмульсиянинг сақланиш муддатлари белгиланди.

Доривор ўсимликлар мойли экстрактларининг барқарорлигини ошириш учун мойли экстрактлар таркибига 0,2 % нипагин қўшилиб, эмульсиялар тайёрланган. Барқарорлашган эмульсияларнинг дисперс фаза заррачаларнинг ўлчамлари сақланиши, механик ва термик барқарорлиги ўзгармаслиги аниқланган.

Диссертация ишининг иловаларида тадқиқотнинг амалиётга қўллаш бўйича далолатномалар келтирилган.

## ХУЛОСА

Диссертация ишини бажарилишида олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагича:

1. АБ бодом мағзидан экстракция усулида  $48,16 \pm 0,2$  %, совуқ пресслаш орқали  $39,86 \pm 0,2$  %, иссиқ пресслаш орқали  $46,24 \pm 0,2$  % мойи ажратиб олинди. Майдаланган АБ мағзида 1,02 %, ёғи олинган мағзи таркибида 3,24 %, сувли экстракт таркибида 0,0029 % ва спиртли экстракт таркибида эса 27,86 % амигдалин борлиги аниқланди. АБ мойининг коллоид-кимёвий катталиклари, элемент таркиби, микробиологик тозаллиги баҳоланди. АБ мойи ва доривор ўсимликлар (мойчечак ва тирноқгул гуллари, маврак барглари) асосида олинган мойли экстрактларни асосий физик-кимёвий катталиклари, элемент таркиби ва микробиологик тозаллиги аниқланди.

2. АБ кунжарасининг сувли, спиртли экстрактлари олиниб, сувли эритмаларининг коллоид кимёвий хоссалари (ДФ заррачаларининг ўлчами, сирт таранглиги, адсорбцияси) ўрганилди. Олинган натижалар коллоид тавсифга эга бўлган мураккаб таркибли АБ кунжараси асосида хайвонларнинг юқумли касалликларини қўзғатувчи каналарга қарши инсектоакарицидлар олиш имконини берди.

3. Таркибида 4-10 % гача анион СФМлар тутган АБ мойининг барқарорланган тўғри эмульсияларини олишнинг асосий қонуниятлари тадқиқ қилиниб эмульсиялардаги ДФ заррачаларининг ўлчами, сақланиш муддати, механик таъсирлар ва ҳароратга чидамлилиги аниқланди. Бир хил мой ва сув нисбатида СФМ нинг концентрацияси ортганда ДФ заррачалари ўлчами бир хил қонуният асосида камайиши кузатилди. Анион СФМ ичида ДЁК-На тузи иштирокида тайёрланган эмульсияларнинг 1, 15 ва 30 кун муддатда уларнинг ДФ заррачалари 48,2 нм дан 50,0 нм гача ортиши аниқланди.

4. Т-2 эмульгатори, СФМ ва мой билан АБ спиртли экстрактининг аралашмаси асосида эмульсиялар ҳосил қилиш учун концентрат олиниб ва тайёрланган эмульсияларни қишлоқ хўжалигида хайвонларида инфекцион касалликларни қўзғатувчи каналарга қарши инсектоакарицидлар сифатида қўллашнинг коллоид кимёвий усулларини ишлаб чиқиш имконини берди. Мойли концентратнинг суюлтирилиши билан турбидметрик усулда

лойқаланиш вақтини аниқлаш орқали ҳисобланган ДФ зарчаларининг ўлчами ортиб бориши аниқланди.

5. Катион, анион ва ноиноген СФМлар ёрдамида АБ мойли экстрактларининг эмульсияларини тайёрлашда анион СФМларининг самарали эканлиги аниқланди. Доривор ўсимликларнинг АБ мойидаги экстрактлари анион СФМлар иштирокида эмульсияларга айлантирилиб, уларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари баҳоланди.

6. Доривор ўсимликларнинг (тирноқгул ва мойчечак гуллари, маврак барглари) экстрактлари эмульсиялари барқарор системалар бўлиб, уларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари 10 сутка мобайнида ўзгармаслиги аниқланди ва доривор ўсимликлар мойли экстрактлари таркибига оз миқдорда нипагин қўшилиши механик ва термик барқарор эмульсиялар олиш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И  
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО  
УЛУГБЕКА  
ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ХАМИДОВ АРИФДЖАН ЖАХОНГИРОВИЧ**

**КОЛЛОИДНО-ХИМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗРАБОТКИ  
ТЕХНОЛОГИИ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ДОБАВОК НА  
ОСНОВЕ СЕМЯН ГОРЬКОГО МИНДАЛЯ**

**02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PchD/К360.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана и Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Информационно-образовательного портала «ZIYONET» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Тухтаев Хаким Рахманович  
доктор фармацевтических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Исмаилов Равшан Исраилович  
доктор химических наук, профессор

Эркабаев Фуркат Ильясович  
доктор технических наук

**Ведущая организация:** Ташкентский химико-технологический институт

Защита состоится « 23 » ноября 2021 г. в « 14<sup>00</sup> » часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 при институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улутбека, 77а. Тел. (+998871) 262-56-60, факс (+99871) 262-79-90, E-mail: [ionxanrux@mail.ru](mailto:ionxanrux@mail.ru).

Диссертация зарегистрирована в Информационном центре института общей и неорганической химии за № 14, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г.Ташкент, ул.Мирзо Улутбека, 77а. Тел. (+99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан « 9 » ноября 2021 года.  
Протокол рассылки № 14 от « 9 » ноября 2021 года



**Б.С. Закиров**  
Председатель Научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.х.н., проф.

**Д.С. Салиханова**  
Учёный секретарь Научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.т.н., проф.

**Ш.С. Намазов**  
Заместитель председателя Научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёной  
степени, д.т.н., профессор, академик

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире особое внимание уделяется созданию научных основ и разработке технологий получения продуктов используемых в медицине, ветеринарии, косметике, пищевой промышленности и различных областях сельского хозяйства глубокой переработкой косточек фруктов. Поэтому, одной из актуальных задач на сегодняшний день является создание порошков, эмульсий и микроэмульсий, содержащих вещества, обладающие биоактивными свойствами путем переработки ядра горького миндаля и его шрота, содержащие масло, белок и различные биоактивные вещества. В этом аспекте, важное значение имеет создание грубодисперсных систем, позволяющих контролировать свойства веществ в масляно-водной системе из зерен горького миндаля и шрота, получение на их основе новых продуктов, применяемых в различных отраслях народного хозяйства.

В мировом масштабе для создания грубодисперсных систем, расширения запасов их сырья, исследования технологии получения применению новых коллоидно-химических методов уделяется особое внимание выполнению следующих научных решений: определение распределения биоактивных веществ в системе вода и масло; получение порошков новыми свойствами; регулирование дисперсности и стабильности эмульсий и микроэмульсий путем применения эффективных поверхностно-активных веществ; превращение масляных экстрактов плодов в эмульсию и определение их коллоидно-химических свойств.

В республике на основе глубокой переработки ядра горького миндаля ведутся научные исследования и достигаются определенных результатов по получению масла, эмульсии из масла, порошка из ядра, масляных экстрактов из лекарственных растений и их применению в сельском хозяйстве, а также в ветеринарии. В третьем направлении Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, предусмотрены важные задачи по «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»<sup>1</sup>. В этом аспекте большое значение имеет создание новых продуктов путем глубокой обработки ядра горького миндаля одного из редких, естественно растущих лекарственных деревьев.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению указанных задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановления Президента Республики Узбекистан от 10 апреля 2020 года ПП-4670 «О мерах по охране, выращиванию, переработке и

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

рациональному использованию имеющихся ресурсов лекарственных растений, произрастающих в дикой природе», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химическая технология и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Ранние сведения о горьком миндале широко освещены в научном наследии великого восточного врача Абу Али ибн Сины. Также в мире получению биологически-активных веществ из ядра горького миндаля, и созданию на их основе различных дисперсных систем, эмульсий, изучению их коллоидно-химических свойств посвящены научные работы К.Shinoda, Т.Okawawa, F.Leal-Calderon, А.А.Абрамзон, А.И.Тенцова, В.А.Вайнштейн, И.Ф.Белоконь и других ученых.

